

**ЛОЙИХА –СМЕТА, (ҚИДИРУВ ИШЛАРИ) ПУДРАТ
ШАРТНОМАСИ № 20157**

Фарғона шаҳри

2022 йил “13” май

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Фарғона вилоят ҳокимлиги “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Ҳ.А.Долимов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “OLTIARIQ DESING” ХК номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Д.Эркабоев иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 686-692 моддалари, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни, Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (КМК 1.03.01) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ВМнинг соҳага оид қарорларига асосан лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани туздилар.

1.Шартнома мавзуси

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан **Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Нурафшон қўчаси Мустақиллик шаҳарчаси ҳудудида 420 ўринли янги мактабгача таълим ташкилоти қурилишига лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлаш 2 (АТТА лойиҳаси ҳаражатлари билан бирга) мажбуриятини** олади, Буюртмачи эса вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.Шартнома бўйича ишлар қиймати

2.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда 2022 й. « 11 » май кунги харид комиссиясининг 20157-сонли баёнига асосан жорий нархларда **450 000 000 (тўрт юз эллик миллион) сўми**, шу жумладан қўшимча қиймат солиғи **15% - 58 695 652 сўми** ташкил этади.

2.2. Ишларни бажариш ишлар бошланган кундан эътиборан 16 кунни ташкил этади ва бажарилган ишлар 2022 йил “ 30 ” майда буюртмачига тўлиқ топширилади.

2.3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно: - енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда қурилиш қийматини кўпайтириш;

- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

3.Пудратчининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди ва-барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан тасдиқланган ҚМК, ШНК ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқади ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб бажаради ҳамда ишни Буюртмачига ушбу шартнома шартларига мувофиқ топширади;

3.2. Буюртмачининг рухсатсиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бериш таъқиқланади.

4.Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли ҳужжатларни далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

-ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

5.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

5.1. Буюртмачи Пудратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблағ ажратилганидан сўнг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 % миқдоридан авансни ўтказиши.

5.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб

рақамига маблағ ажратилгандан сўнг объект умумий шартномавий қийматининг 70 фоизи доирасида амалга оширилади.

6.Ишларни бажариш

6.1. Пудратчи лойиха-СНИП ишларига лойиха бош муҳандисни тайинлайди.Бош муҳандис лойиха-смета ҳужжатлари ҚМҚ, ШНК ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқишини назорат қилади, бажариладиган ишлар босқичларини келишади ва бажарилаётган ишлар ҳақида Буюртмачига ахборот тақдим қилиб боради. Пудратчи лойиха-смета ҳужжатларини белгиланган муддатда, қурилиш ишларини бажариш давомида муаммоли ҳолатлар вужудга келмайдиган ҳолатда асосли ҳамда сифатли қилиб бажаради.

7.Ишларни топшириш ва қабул қилиш

7.1. Пудратчи томонидан тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК томонидан экспертизадан ўтказилиб, унинг берган хулосасига кўра, тўпланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги “Лойихаолди, лойиха, тендер ҳужжатлари ва контрактларини экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3550-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойихаларни ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК (НАПУ) томонидан комплекс экспертизадан ўтказилиб, уларнинг ижобий хулосаси олингандан сўнг, Пудратчи 3 кун мобайнида лойиханинг ишчи ҳужжатларини 3 нусхада, смета ҳужжатларини 1 нусхада накладной билан Буюртмачига топширади, Буюртмачи вакили ўзига берилган ишончнома билан ишни накладнойга имзо қўйиб, қабул қилиб олгандан кейин, Пудратчи ушбу накладной асосида Ф-3 счет-фактура расмийлаштириб, Буюртмачига тўлов учун тақдим қилади.Лойиханинг ишчи ҳужжатлари юқоридаги тартиб асосида Буюртмачига топширилмаган тақдирда ишлар бажарилмаган ҳисобланади.

7.2. Лойиха-смета ҳужжатларида шартномадан четга чиқшлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин 10 кун муддатда Пудратчини ёзма равишда огоҳлантиради ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилади. Пудратчи ўз навбатида мазкур камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қилади.

8.Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

9.Кафолатлар

9.1. Пудратчи:-барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини, қурилиш-таъмирлаш ишлари давомида лойиха-смета ҳужжатлари билан бажарилётган ишлар ўртасида муаммоли ҳолатлар бўлмаслигини кафолатлайди;

10.Томонларнинг мулкӣй жавобгарлиги

10.1. Буюртмачи Пудратчига барча ишлар бажарилиб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини ёки ишларининг айрим босқичлари тугаллангандан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлайди.Пудратчи тайёрланган лойиха-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан қўшимча жавобгар сифатида қатнашишга мажбур.

10.2. Пудратчи лойиха-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари ва бажарилган кидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади.Лойиха-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда Пудратчи Буюртмачининг талби билан лойиха-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва шунга мувофиқ зарур қўшимча ишларни бажариши шарт.

Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

10.3 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, тегишли дастур буйича лойиҳа ишларига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

10.4. Пудратчи ишларни ўз вақтида бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш давомида объектда лойиҳа-смета ҳужжатлари билан боғлиқ муаммоли ҳолат вужудга келган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида мулкӣ жавобгар ҳисобланади ва ушбу ҳолат билан боғлиқ зарар тўлиғича Пудратчидан ундириб олинади.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

10.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давлат экологик экспертизаси»нинг ҳулосаси асосида ишларни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорига жарима ундириш ҳуқуқига эга.

10.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

10.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

10.8. Компания бюджетдан маблағ олувчи ташкилот ҳисобланганлиги сабабли, объектга бюджетдан маблағ ажратилиши кечикканлиги учун ёки вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилмаганлиги сабабли Буюртмачи тўловларни амалга ошира олмаганлиги учун, пудратчи олдида мулкӣ жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам ҳисобланмайди.

10.9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, Буюртмачининг мажбуриятлари қуйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

11. Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар

11.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

-коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларни амалга оширмаслик;

-шу жумладан, пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкӣ имтиёزلарни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян ҳаракатларни бажармаслиги шарт;

-томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;
-агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган хатти-ҳаракатлари, шу жумладан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги ҳақида алоқа каналларига муурожаат қилиши мумкин.

12. Низоларни хал қилиш

12.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро хал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Фарғона туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

13. Шартномани бекор қилиш

13.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сонли қарорининг 3-бандига асосан 2020 йил 1 июлга қадар архитектура-шарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда Пудрат ташкилотига берилган лицензия ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб қайта расмийлаштирилмаганлиги аниқланган ҳолда (Пудратчининг лицензиясиз фаолият кўрсатганлиги маълум бўлиши).

13.2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонасининг Техник топшириқнинг иш ҳажмлари ва уларнинг нарх параметрлари қисмида ўтказилган комплекс экспертиза натижалари бўйича Пудрат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларига ижобий хулоса берилмаган тақдирда.

13.3. Пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни суёт бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, Буюртмачи иш натижаси ўзига белгиланган тартибда тўлиқ ва сифатли шаклда топширилгунига қадар истаган вақтида шартномадан воз кечиши мумкин.

13.4. Шартномани бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга ёзма равишда билдиришнома юборади.

13.5. Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

14. Алоҳида шартлар.

14.1. Мазкур шартнома Фарғона вилоят Ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга қиради ҳамда 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади. Шартнома 3 (уч) нусхада тузилди. Уч нусха ҳам айнан бир хил ва тенг юридик кучга эга.

15. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

Буюртмачи»
Фарғона вилоят ҳокимлиги “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати”
Манзили: Фарғона ш. Темирйўл кўчаси 37-уй
Тел./факс 244-52-24
ШХР: 100021260304017096525251038
Ташкилотнинг: СТИР 204816336 ОКЭД-
Фарғона вилояти буйича Ғазначилик бошқармаси
ЯҒХ: 23 402 000 300 100 001 010
Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар
Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)
МФО: 00014 Ғазначилик бўлимининг
СТИР: 201 122 919

Раҳбар
м.у.

Х.Долимов

Ҳуқуқшунос:

«Пудратчи»
“OLTIARIQ DESING” ХК

Манзил: Фарғона ш. Мустақиллик кўчаси 83-уй
Тел: 998-90-560-80-02
Х/Р: 2020 8000 404 733 335 001

Банк: Ҳамкор банк Қувасой шаҳар филиали

МФО: 01003 ИНН: 300 935 362

ОКОНХ

Директор

Д.Эркабоев